

Кун тарихи: 7 август санаси билан боғлиқ воқеа



15:00 / 07.08.2021 1800

2008 йил (бундан 13 йил олдин) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида

Муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк уламо ва азиз-авлиёларнинг табаррук номлари билан боғлиқ Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳазрати Имом, Шоҳи Зинда, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Кўк гумбаз, Доруссаодат, Қосим шайх каби мамлакатимиз ҳудудидаги қутлуғ зиёратгоҳ ва қадамжоларни талаб даражасида сақлаш ва ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш

мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармасининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармасининг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага, ижрочи дирекцияси тузилмаси эса 2-иловага мувофиқ ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юртимизда яшаб ўтган, ёдгорлик ва қадамжолари қутлуғ зиёратгоҳга айланиб кетган азиз-авлиё ва мутафаккирларнинг қолдирган бебаҳо меросини халқимиз, аввало ёшларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш;

ноёб тарихий-меъморий мажмуалар бўлмиш мазкур зиёратгоҳларни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш;

ушбу қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

диний таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда диний соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш масаласида молиявий кўмак бериш.

4. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармаси фаолиятининг молиявий манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний ташкилотлар, шунингдек, юртимиздаги идора ва муассасалар, ижтимоий ташкилотлар, корхоналар, тижорат банклари ва фуқароларнинг хайрия маблағлари;

хорижий мамлакатларнинг хайрия ташкилотлари, жамғармалар, давлат раҳбарлари, дин арбоблари ва бошқа шахсларнинг хайр-эҳсонлари.

5. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармасига йўналтирилган хайрия маблағлари учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида махсус ҳисоб рақами очилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасига тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 364-сонли қарори иккинчи бандининг иккинчи абзацда қайд этилган Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида ташкил этилган махсус жамғарма ҳақидаги пункт ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Махсус жамғарманинг мол-мулки ва молиявий маблағларини янгитдан тузилаётган Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси балансига ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг таклифи маъқуллансин.

9. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тасарруфидаги диний ташкилотлар учун коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқава сув ва маиший чиқиндиларни ташиш) бўйича белгиланган тўлов имтиёзлари ҳисобидан ҳосил бўлган маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси бюджетига ўтказилсин.

10. Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасининг Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг маъмурий биносига жойлаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси низомини белгиланган тартибда руйхатдан ўтказсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,

2008 йил 7 август,

ПҚ-938-сон